



ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИ ЎРИК НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ.

А.Э.Қаршиев

Тошкент Давлат Аграр университети мевачилик ва
узумчилик афедраси катта ўқитувчиси қ.х.ф.ф.д
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10652678>

Аннотация. Ушбу мақолада ўрик боғларида мавжуд навлар ичидан таъбий-иқлим шароитларига бардошли, сувсизликка чидамли қимматли биологик ва хўжалик хусусиятларига эга бўлган навларни ажратиб олиш ҳамда оналик боғларини барпо қилиш, истиқболли навлар асосида Республикамизда ўрикзорлар майдонини кенгайтириш мақсад қилинган.

Калит сўзлар: ўрикзор, иқлим шароитлари, қурғоқчилик, сувсизлик, қимматли, хўжалик белгилар, ўрик навлари, биологик белгилари.

Ўрик тез ўсиши, ҳосилга кириши, мева ҳосили унумдорлигининг жадал ошиб бориши каби биологик хусусиятларга эга, қадимдан Ўрта Осиёда етиштирилиб келаётган қимматбаҳо мевали дарахтлардан биридир. Янги пишган ўрик меваси таркибида 8,4-19,0% шакар, 0,3-1,7%, турли (асосан олма, лимон ва салицил) кислоталар, 0,1-1,6% пектин А ва С витаминлар бор. Туршагида 80% ва ундан ҳам кўпроқ шакар бўлади. Инсон учун зарур бўлган тўйимли озуқалар комплексини ўзида мужассамлаштирган ширин таъмли мевадир. [1].

Тупроқда намликнинг етишмаслиги мевали ўсимликларнинг ўсишини сустлаштиради ёки тўхтатади, кейинчалик барглар сўлийди ва эрта тўкилади. Натижада келаси йили ҳосилнинг генератив органларда ривожланиш фукцияси пасаяди ва мевалар сони камаяди, сифати эса ёмонлашади.[2].

Шох-шабба яруслари бўйича барглариинг қурғоқчиликка чидамлилиги турлича эканлигини ўрганган муаллифларнинг маълумотларига кўра, тупроқнинг қуруқлигига шох-шаббаларнинг паст ярусдаги баргларда мослашув юқори ярусдаги баргларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини кузатган. Бу кўпинча сув танқислиги бошланиши биланоқ пастки ярус баргларида сув ҳаракатининг тезлиги ва транспирация пасайиши билан изоҳланган. Олиб борилган кузатишлар натижасида тадқиқотчилар сув танқислигида ўсимлик сув сарфланишини қанча қисқартирса у шунча қурғоқчиликка чидамли бўлади деган хулосага келган.[3].

Қурғоқчилик ҳамда иссиқликка чидамлилиги бўйича ўрик навлари бодомдан кейинги ўринда туради. Ёзда июль ойларида ҳавонинг ўртача





ҳарорати 30⁰С дан юқори, максимал ҳарорат 45-47⁰С гача кўтарилганда ҳам яхши ўсиб ривожланади. [4].

Тадқиқот усуллари. Дала ва лаборатория тажрибалари илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва тадбиқ этиш мевачиликда умум қабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди [5, 6, 7, 8].

Тадқиқот натижалари. Ўрганилаётган маҳаллий ва интродукция қилинган Юбилейний Навоий, Субхони Заря, Наджими, Исфарақ бадамский ўрик навларида шох-шабба ярусларининг ёруғлик ва қуёш нури билан тўлиқ таъминланиши ҳамда дарахтларни тўғри шакллантириш ҳосилдорлик ва мева сифатини ошириш мақсадида вазасимон шакл берилиб, йиллик кучли ўсувчи новдаларни 15 см, 30 см ҳамда 45 см қолдириб кесиб дарахтларнинг ривожланиши ҳамда меваларнинг сифати устида кузатувлар олиб бордик. Олиб борилган кузатувларимиз натижасида дарахтларга тўғри тушган ёруғликка нисбатан тарқалган ёруғликдан тўлароқ фойдаланганлиги кузатилди. Чунки, у дарахт шох-шаббасининг барча томонидан ўтади ҳамда қуёш нурлари баргларнинг ҳаммасига тушади. Бунинг устига тарқалган ёруғлик тўғри ёруғликка нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатганлиги баргларнинг йириклиги, рангдорлиги, меваларнинг сифати ва дарахтнинг яхши ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳамда, кундузги ёруғликнинг қанчалик узоқ давом этиши катта аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди.

Ўрганилаётган ўрик навларида ҳавонинг шамол шаклидаги ҳаракати катта аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди. Шамолнинг ўсимликка таъсири ҳар хил бўлиб, унинг катта тезликдаги (секундига 10 метр ва ундан тез бўлганда) таъсири натижасида ўсимликда мева тугунлари ҳамда барглари 10-15% зарарланди. Кучли шамоллар гулларни ҳашоратлар томонидан чангланишига халақит бериб, гул ҳамда ёш тугунчаларни 15-20 % гача зарарлангани аниқланди. Шамолнинг тезлиги 20-25 м/с бўлганда дарахт шохлари синиши, улар бутунлай зарарланиши кузатилди. Шакл берилган дарахтларда эса зарарланиш сезиларли даражада камайганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотларда тупроқ-иқлим шароитига мос ўрик навлари ўрганилиб, вилоятнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда сифатли мева маҳсулотларини етиштиришда истиқболли навлар танлаб олинди. Қашқадарё вилоятида ёз иссиқ ва қуруқ, қиш эса совуқ






бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $13,8^{\circ}\text{C}$, энг иссиқ ҳарорат июль ойида $26,8^{\circ}\text{C}$ ва совуқ эса январь ойида -14°C ни, ташкил этди. Июнь ойидаги энг юқори ҳарорат 50°C жазирамагача кўтарилиши ва январь, февраль ойларида ҳарорат -24°C совуққача пасайиши кзатилди. Мавсум давомидаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси февраль-июнь ойларида $2400-2800^{\circ}\text{C}$ гача етди. Совуқ бўлмайдиган кунлар давомийлиги ўртача 240 кун. Баҳорги совуқ кунлар феврал ойининг учинчи декадасигача, айрим йиллари апрелгача давом этганлиги кузатилди. Бунга боғлиқ равишда ўрганилаётган ўрик навларининг вегетация фазалари ўрганилди. Бу фенологик фазалар ўрганилаётган ўрик навларида куйдагича кузатилди 2009-йилда экилган ўрик навларидан Наджими навида 2017-2019 йилларда куртакларнинг бўртиб чиқиши тегишли тартибда 4-11 март кунларида кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда бу кўрсаткич ўртача 6-14 мартда кузатилди. ғунчаларининг ёзилиши 7-14 март кунларда аниқланаган бўлса, шакл берилган вариантларда эса ўртача 9-18 мартгача давом этганлиги аниқланди. Гуллаш фазаси бошланиши 9-17 март кунларда кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда эса бу кўрсаткич 10-20 мартгача давом этди. Қийғос гуллаши шакл берилмаган дарахтларда 13-21 март кунлари аниқланган бўлса, шакл берилган вариантларда эса ўртача 14-25 мартгача давом этганлиги кузатилиб, гуллаш фазасининг тугаши эса шакл берилмаган дарахтларда 21-26 мартда кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда эса 22-30 мартгача давом этди. Меваларининг пиша бошлаши эса 25 май 5 июньгача давом этган, шакл берилган вариантларда эса ўртача 21 майдан 3 июньгача кузатилди. Ҳазонрезгиликнинг бошланиши 9-22 октябрда бошланиб, шакл берилган вариантларда эса бу кўрсаткич ўртача 14-27 октябр кунларида бошланди. Ҳазонрезгиликнинг тугаши эса шакл берилмаган вариантларда 5-17 ноябрда кузатилиб, шакл берилган вариантларда эса 8-20 ноябргача давом этганлиги аниқланди. Вегетация даври шакл берилмаган вариантларда 246-251 кунгача, шакл берилган вариантларда эса 248-255 кунгача давом этганлиги аниқланди. Ушбу фенологик фазалар қолган навларда тегишли тартибда жадвалда келтирилди. (1-жадвал)

1-жадвал

Ўрик навларида олиб борилган фенологик кузатувлар





№	Навлар	Йиллар	Куртак бўғиши	Ғунчалаши	Гуллаши			Тўлиқ барг чиқариши	Меъаси пиша бошлаши	Барг сарғайши	Ҳазонрезгилик			Вегетациядавр и(кун)
					Бошланиши	Тўлиқ гуллаши	Тугаши				Бошланиши	Тўлиқ тўкилиши	Тугаши	
1	Субхони Заря	2017	12/Ш	15/Ш	18/Ш	22/Ш	27/Ш	12/IV	24/VI	29/X	11/X	25/X	13/XI	246
		2018	4/Ш	8/Ш	10/Ш	13/Ш	21/Ш	2/IV	9/VI	14/X	8/X	26/X	5/XI	246
		2019	9/Ш	12/Ш	14/Ш	17/Ш	23/Ш	7/IV	16/VI	4/XI	14/X	29/X	15/XI	251
2	Наджими	2017	11/Ш	14/Ш	17/Ш	21/Ш	26/Ш	10/IV	5/VI	30/X	19/X	2/XI	13/XI	247
		2018	4/Ш	7/Ш	9/Ш	13/Ш	21/Ш	5/IV	25/V	10/X	9/X	24/X	5/XI	246
		2019	11/Ш	14/Ш	16/Ш	19/Ш	25/Ш	11/IV	5/VI	3/XI	22/X	5/XI	17/XI	251
3	Исфарақ Бадамский	2017	14/Ш	17/Ш	20/Ш	25/Ш	30/Ш	10/IV	18/VI	19/X	20/X	4/XI	15/XI	246
		2018	4/Ш	7/Ш	9/Ш	12/Ш	20/Ш	4/IV	3/VI	20/X	14/X	29/X	12/XI	253
		2019	6/Ш	9/Ш	11/Ш	13/Ш	20/Ш	7/IV	6/VI	3/XI	1/XI	15/XI	25/XI	264
4	Юбилей Навоий	2017	13/Ш	16/Ш	19/Ш	24/Ш	28/Ш	10/IV	23/VI	25/X	20/X	30/X	16/XI	248
		2018	3/Ш	6/Ш	8/Ш	11/Ш	19/Ш	4/IV	7/VI	28/IX	7/X	18/X	3/XI	245
		2019	7/Ш	10/Ш	12/Ш	15/Ш	21/Ш	8/IV	14/VI	4/XI	23/X	1/XI	17/XI	255

Қурғоқчиликка чидамлик, сув режими жараёнлари билан атроф муҳит омиллари ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ва юқори мослашувчанлик хусусиятлари ўрганилиб, бу борада Субхони Заря навида барг сатҳи йирик баргларида ўртача 42 см², кичик ўлчамдаги баргларида эса ўртача 31 см² ни ташкил қилди. Наджими навида эса бу кўрсаткичлар йирик баргларида ўртача 50 см² гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса 29 см² гача бўлган баргларида кузатувлар олиб борилди. Юбилей Навоий навида йирик баргларининг сатҳи 82 см² гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса ўртача 31 см² ўлчамдаги ҳамда Исфарақ Бадамский навларида йирик баргларида 47 см², кичик ўлчамдаги баргларида эса 23 см² ни ташкил этди. Субхони Заря навида барг оғирлиги йирик баргларида 0,82 мг, кичик ўлчамдаги баргларида эса 0,50 мг ни, Наджими навида йирик баргларида ўртача оғирлиги 1,30 мг дан кичик ўлчамдаги баргларида эса бу кўрсаткич 0,20 мг гача аниқланди. Юбилей Навоий навида йирик баргларида ўртача 0,92 мг дан кичик ўлчамдаги баргларида 0,87 мг гача, Исфарақ Бадамский навида йирик баргларида ўртача 1,16 мг, кичик ўлчамдаги баргларида эса 0,56 мгни ташкил этди. Вегетация даврида барг тўқималарининг сув билан таъминланиш даражаси, сувни сақлаш хусусияти, шунингдек ёзнинг иссиқ даврида ҳам крахмал синтезини амалга ошириш хусусияти орқали қурғоқчиликка чидамлилигини намоён қилди. Наджими ва Субхони Заря навларининг қурғоқчиликка чидамлилиги асосан, дарахтларининг ва баргларининг



Ўрганилаётган навларга нисбатан кичиклиги, табиатнинг ноқулай шароитларида ҳам таркибида етарли даражада намликни сақлаб қолиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб чиқди. Ўрганилаётган ўрик навларининг барглари сони, барг сатҳи, барг таркибидаги сув миқдори дала ва лаборатория шароитида аниқланди. **(2-жадвал)**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Наджими, Субхони Заря, Юбилей Навоий, Исфарақ Бадамский навлари тажрибадаги бошқа навларга нисбатан барг сатҳининг кичиклиги сийрак ва бирмунча калта шохланганлиги боис қурғоқчиликка чидамлилиги билан фарқ қилди. Ушбу навларни 15 см қолдириб кесилган усулда вегетация даврининг ҳар бир ойига ўртача ўсиш 8,4 см дан тўғри келди, дарахтда шох-шаббаларининг ривожланиши ҳамда барглари ривожланиши юқори бўлганлиги аниқланди. 30 см қолдириб кесилган усулда вегетация даврининг бир ойига ўртача 5,7 см дан тўғри келди. 45 см қолдириб кесилган усулда ва йиллик ўсувчи новдаларни қисқартмасдан қолдирилган усулларда юқоридагиларга нисбатан суст 4,2 дан 2,5 см гача ривожланиш кузатилди. Олиб борилган кузатувларга кўра Наджими ва Субхони Заря навларининг йиллик ўсувчи новдаларини 45 см қолдириб ҳамда Юбилей Навоий ва Исфарақ Бадамский навларида эса йиллик ўсувчи новдаларини 30 см қолдириб кесилган усулларда шакл берилганда қолган вариантларга нисбатан юқори ҳосилдорликка эришилди.

2-жадвал

**Ўрик навларида 2017-2019 йилларда дарахтларнинг барглари сони,
барг сатҳи,
таъбий ва қуритилган вазн ўлчамлари 2009 йилда экилган.**

№	Навлар	Йил	Баргла Р сони(1т)	Барг сатҳи (см ²)			Баргнинг таъбий оғирлиги			Баргнинг қуруқ оғирлиги		
				Йирик	Ўртача	Майда	Йирик	Ўртача	Майда	Йирик	Ўртача	Майда
1	Наджими	2017	12260	42	35	29	1,22	1,06	0,56	0,41	0,36	0,19
		2018	11384	52	37	30	1,36	1,11	0,58	0,49	0,39	0,20
		2019	12053	50	36	29	1,30	1,10	0,57	0,48	0,38	0,20
2	Субхони Заря	2017	11640	39	31	22	0,76	0,52	0,48	0,22	0,19	0,16
		2018	10875	41	32	24	0,81	0,54	0,51	0,25	0,21	0,19
		2019	11128	42	31	23	0,82	0,56	0,50	0,24	0,20	0,18
3	Исфарақ бадамский	2017	15340	47	38	27	1,16	0,92	0,63	0,53	0,42	0,36
		2018	13875	40	35	23	0,98	0,86	0,56	0,48	0,39	0,31
		2019	14786	42	37	24	1,23	0,95	0,67	0,54	0,43	0,38
4	Юбилей	2017	12820	79	39	31	0,87	0,59	0,40	0,33	0,26	0,12



	Навий	2018	10972	81	58	36	0,90	0,73	0,44	0,35	0,30	0,14
		2019	11956	82	59	37	0,92	0,75	0,46	0,37	0,31	0,15

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рибоков А.А, ОстрауховаС.А Ўзбекистон мевачилиги “Ўқитувчи” Тошкент 1981-с. 30.
2. Кушниренко, М. Д. Устойчивая регуляция водообмена растений / М. Д. Кушниренко // Устойчивость с.-х. растений к засухе и экстремальным температурам.- Кишинев.-1986.- с. 3-15.
3. Лищук А. И. Адаптационные особенности абрикоса при различном водообеспечении / А. И. Лищук, О. А. Ильницкий // Повышение продуктивности абрикосовых насаждений: сб. научн. тр. Ялта, 1986, Т. 100-С. 109-116.
4. Камолов Н., Ахмедов Т.А., Назиров Х.Н. «In situ/On farm сохранение и использование агробιοразнообразия плодовые культуры и их дикие сородичи) в Центральной Азии» Академии сельскохозяйственных наук Институт садоводства и овощеводства Таджикской Проект Bioversity International/UNEP-GEF.
5. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳамда илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва татбиқ этиш мевачиликда умум қабул қилинган «Полевые опыты с плодовыми деревьями» (С.Пирс).
6. «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (Х.Буриев, Н.Енилеев ва б).
7. «Определение сравнительной засухоустойчивости растений способом искусственного завядания листьев» (Э.А.Гончаров).
8. Витковский.В.Л. Изучение динамики роста побегов, формирование почек и цветков у плодовых растений. Ленинград, 1979.

